

КОРХОНАЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ш.А.Сулейманов

таянч докторант, ТДТУ, Тошкент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7801721>

Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини баҳолаш масалалари турли даврларда узоқ давом этган бахс-мунозаралар ва кескин танқидлар мавзуси сифатида корхона иқтисодиёти фанида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Иқтисодиёт назарияси ривожланишининг замонавий даври ҳам бундан мустасно эмас. Бундан ташқари миллий иқтисодий тизимдаги туб ўзгаришлар инновацион жараёнларнинг ушбу муҳим босқичи натижаларининг бошқарув қарорларини шакллантириш, асослаш ва кейинчалик қабул қилишдаги ролининг ошишига олиб келди.

Айни пайтда бу борадаги жаҳон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бироқ мавжуд маълумотлар асосан тизимлаштирилмаган, бу эса уни миллий иқтисодий шароитнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш учун қайта кўриб чиқиш ва ижодий қайта ишлашни тақазо этади. Инновацион технологияларни иқтисодий асослаш учун мавжуд усуллар ва ёндашувлар доирасининг етарлича хилма-хиллигига қарамай, шаклланган илмий назарияни замонавий ривожланиш босқичида кейинчалик такомиллаштириш мақсадида уларни батафсил қайта кўриб чиқишга объектив эҳтиёж мавжуд.

Инновацион технологияни жорий этиш лойиҳасини режалаштириш давридаги ва лойиҳанинг бутун даври давомида техник-иқтисодий асослаш босқичида молиявий кўрсаткичларни тавсифловчи пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар асосида инновацион лойиҳаларни баҳолаш, биринчи навбатда, инвесторнинг нуқтаи назаридан лойиҳанинг самарадорлигини акс эттиради.

Услубий тавсиялар инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини асосий кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни белгилайди:

- лойиҳа иштирокчилари учун молиявий фаолиятни ҳисобга олган ҳолда молиявий самарадорлик;
- бюджетнинг барча даражалари бўйича молиявий натижаларни ҳисобга оладиган бюджет самарадорлиги;
- лойиҳа иштирокчиларининг тўғридан-тўғри молиявий манфаатларидан ташқарига чиқадиган ва харажатлар ҳамда натижаларни қиймат жиҳатидан ҳисобга оладиган иқтисодий самарадорлик.

Инновацион технологияни жорий этиш лойиҳасини танлашда лойиҳанинг давомийлиги, инвестиция миқдори, муқобил лойиҳаларнинг мавжудлиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Жаҳон амалиётида инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самарадорлигини баҳолашда инфляция, фоиз ставкаларининг ўзгариши, рентабеллик кўрсаткичлари ва бошқалар инобатга олинади, яъни жуда тез-тез ҳисобга олинadиган дисконтланган ҳисоб-китобларга асосланган лойиҳа самарадорлигини баҳолаш усулларидан фойдаланилади.

Лойиҳанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш маблағларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда лойиҳани молиялаштиришнинг оптимал моделини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бунинг учун таъсисчилардан маблағ жалб қилиш самарадорлиги баҳоланади, оптимал ечим ишлаб чиқилади. Кредитнинг қайтарилиши, кредит бўйича мумкин бўлган максимал ставка ҳисоблаб чиқилади. Бунда лойиҳа кутилаётган хизмат муддати учун қайтарилиши мумкин, ликвидлик, рентабеллик ва активлар айланмаси кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Ишлаб чиқилган ҳисоботлар ишлаб чиқарувчиларнинг кредиторлар, акциядорлар ва давлат олдидаги мажбуриятларини акс эттиради, тижорат самарадорлигини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган солиқ ва макроиқтисодий муҳитни ҳисобга олади.

Инновацион лойиҳанинг долзарблиги, унинг умумий, ҳудудий ва тармоқ аҳамияти инновацион лойиҳаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Инновацион лойиҳанинг долзарблиги унинг мамлакат, ҳудуд ва тадбиркорлик субъектларини илмий-инновацион ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатларига мос келишидир. Устувор йўналишлар глобал ривожланиш тенденцияларини, давлатнинг технологик ва экологик хавсизлигини таъминлаш, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг аҳамиятини акс эттиради. Улар мамлакат, минтақа, хўжалик юритувчи субъектнинг илмий-инновацион стратегияси асосида белгиланади. Асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;
- технологик тараққиётнинг афзалликларида, ресурсларни қайта ишлашнинг янги тамойиллари, инновациялар яратилишини таъминлаш;
- импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошроқ бўлган миллий хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга ошириш;
- аҳоли ҳаётини таъминлаш объектларини техник жиҳатдан янгилаш, ҳудудий иқтисодиётни таркибий қайта қуришда инновацион ва инвестиция салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш орқали корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш;
- экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқаришни доимий равишда такомиллаштириш.

Амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хўжалик юритувчи субъектлар (давлат, ҳудудий миқёсда) томонидан белгиланадиган илмий-инновацион, иқтисодий, ижтимоий ва экологик устуворликдан келиб чиқиб, мамлакат тармоқ ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Инновацион лойиҳанинг умумий аҳамиятини хўжалик юритувчи субъектни давлат, ҳудудий ва тармоқ миқёсида бошқариш нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. Лойиҳа тегишли равишда давлат, минтақа, туман ёки тадбиркорлик субъекти учун муҳим бўлиши мумкин. Муайян лойиҳалар учун бу тахминлар турли маъноларга эга бўлади.



1-расм. Саноат корхоналарида инновацион технологияларни қўллашга таъсир қилувчи омиллар¹

Хукукий-институционал омил давлат томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар, инновацион сиёсат, солиқ сиёсати ва имтиёзларни ифодалайди. Ташкилий-иқтисодий омиллар олий таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, уларнинг иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш, етук, малакали кадрларни етиштириб чиқаришни назарда тутди. Ижтимоий омиллар қулай меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига оғир меҳнатни енгиллаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришни ифодалайди. Технологик омиллар корхонанинг моддий техник базаси, инновацион техникалар билан қуролланганлик даражаси, ИТТКИ га ажратмаларни ифодалайди. Экологик омилларда ишлаб чиқариш жараёни экологик хавфсизликка қай даражада жавоб бериши, ходимларнинг экологик тоза меҳнат шароити билан таъминланганлигини назарда тутди. Ахборот омида корхонанинг информацион технологиялар ҳақидаги ахборотлар билан танишув даражаси, мавжуд маълумотлар базаси билан ифодаланади.

Бугунги кунга келиб инновацион технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш муаммоси борасида нафақат миллий, балки хорижий мамлакат олимларининг изланишлари якун топмаган. Инновацион технологияларни жорий қилишнинг турли усуллари ва кўрсаткичлари асосида турли хил ёндашувлар амалга оширилмоқда. Ушбу баҳолашлар бир кўрсаткич асосида ёки бир неча кўрсаткичлар асосида олиб борилади. Умуман олганда, баҳолаш турларини учта гуруҳга ажратиш мумкин. Улар инновацион технологиянинг самарадорлигини ўлчовчи асосий кўрсаткич, яъни кириш-чиқишлар асосида, инновацион технологияни жорий қилиш усуллари асосида ҳамда турли хил

¹ Тадқиқот асосида муаллиф ишланмаси

кўрсаткичлар комбинацияси билан биргаликда баҳолаш асосида амалга оширилган баҳолаш тизимлари фарқланади. Самарадорликни баҳолашнинг умумий тамойили самара (натижа) ва харажатларни таққослаш натижасида келиб чиқади. Натижанинг харажатга нисбати табиий харажатларда ҳам, пул шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

Шундай қилиб инновацион технологиялар самарадорлиги тўғридан-тўғри яратилган маҳсулот, техник тизимлар ва тузилмалар бирлиги учун зарур ва таъминланган тегишли миқдордаги меҳнат, вақт, ресурслар ва пул маблағларини тежаш имконияти билан белгиланади.

Кузатувларимиз асосида шундай хулосага келдик, яъни инновацион технологияларнинг самарадорлигини баҳолашда комплекс кўрсаткичлардан фойдаланиш универсал кўрсаткичлардан самаралироқ ва ишончлироқ эканлиги маълум бўлди. Чунки инновацион технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига йўналтиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқловчи сифатли баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш учун ушбу жараёнга бевосита таъсирини ўтқазадиган харажатлар ва самараларни ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

References:

1. С.Ғуломов, Ғ.Қосимов, Д.Холмирзаева, С.Саидахмедов. Стратегик ва инновацион менежмент. Дарслик. Тошкент 2013 йил.
2. Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент. Учебник, 4-е изд. — СПб.: Питер, 2003. — 400 с: ил. — (Серия «Учебники для вузов»). ISBN 5-94723-094-1
3. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик. –Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014
4. Hall B.H, Lotti F. & Mairesse J. Innovation and productivity in SMEs: empirical evidence for Italy Small Business Economics, volume 33, pages13–33 (2009).